

## ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРДА ГИЁХВАНДЛИК ВОСИТАЛАРИНИНГ НОҚОНУНИЙ МУОМАЛАСИ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК МАСАЛАЛАРИ

Файзуллаев Зоҳид Ўралович

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Маънавий-  
маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш департаменти бош  
инспектори

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7540659>

**Аннотация:** мақолада хорижий давлатларда гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний муомаласи учун жавобгарлик масалалари таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** гиёҳвандлик воситалари, наркобизнес, хорижий тажриба, жиноий жавобгарлик, қонунчиликни такомиллаштириш.

Бугунги кунга келиб гиёҳвандлик воситаларининг савдоси дунё тараққиёти ва барқарорлигига путур етказувчи жиддий муаммога айланди. Гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний айланмасидан келиб тушаётган пуллар террорчилик ва одам савдоси каби ўта оғир жиноятларни молиявий қўллаб-қувватлаш йўлида сарфланмоқда.

Мазкур офатнинг ҳалокатли оқибатларини сергаклик билан баҳолаш, унинг илдизига болта уриш жамиятда тинчлик, хавфсизлик, фаровонлик, соғлом турмуш тарзи ва юсак маънавиятни қарор топтириш ҳамда юксалтиришнинг муҳим шарти ҳисобланади. Шу боис, юртимизда гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний айланмасига қарши курашга оид мустаҳкам ташкилий-ҳуқуқий пойдевор яратилиб, мазкур масала доимий эътибор марказида бўлиб келмоқда.

Бу борада хорижий давлатларнинг жиноят қонунчилигини ўрганиш давомида гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний айланмаси учун жавобгарлик турлича белгиланганлиги маълум бўлди. Олимлар эса гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний айланмаси учун белгиланган жавобгарликдан келиб чиққан ҳолда мамлакатларнинг ёндашувларини турли гуруҳларга ажратишади. Чунончи, биринчи гуруҳга нисбатан либерал қонунчиликка эга давлатлар (Испания, Швейцария, Нидерландия ва бошқалар) киритилади.

Мазкур давлатларнинг жиноят қонунчилигида гиёҳвандлик воситалари турларининг тарқалганлигига қараб жавобгарлик дифференциация қилинган. Нисбатан енгил турдаги гиёҳвандлик воситалари (марихуана, гашиш) ни махсус кафе-дўконларда истеъмол қилиш учун рухсат берилган. Бироқ, айрим турдаги гиёҳвандлик воситалари, масалан, героин, кокаин ва

бошқаларни ноқонуний сақлаганлик ҳамда ўтказганлик учун жавобгарлик мавжуд.

Иккинчи гуруҳга муаллақ жиноий-ҳуқуқий сиёсатга эга давлатлар киради. Бунга Германия, Франция, Италия ва Россия сингари кўпчилик давлатларни киритишимиз мумкин. Ушбу давлатларда гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний муомаласи бўйича оғир жиноятлар учун узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазолари белгиланган. Бироқ, ижтимоий хавфи нисбатан камроқ турдаги гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний муомаласи учун эса озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган енгилроқ кўринишдаги жазолар назарда тутилган. Шу билан бирга, қонунчиликда гиёҳвандлик касаллигига чалинган ва жиноят содир этган шахслар суд тартибида мажбурий даволанишга жўнатилиши белгиланган.

Учинчи гуруҳдан гиёҳвандлик воситаларининг муомаласи ва унга қарши курашишда қаттиқ сиёсат юритувчи давлатлар (АҚШ, Япония, Буюк Британия, Австралия ва бошқалар) ўрин олган. Бу гуруҳга мансуб давлатларда гиёҳвандлик воситаларининг муомаласи учун жуда қаттиқ жавобгарлик ўрнатилган ва айрим ҳолатларда шахсга ўлим жазоси ҳам тайинланиши мумкин. Ушбу давлатларда гиёҳвандлик воситаларининг муомаласи, у қайси тури бўлишидан қатъий назар кучли назорат қилинади. Тўртинчи гуруҳ давлатларида (Малайзия, Эрон, Покистон, Сурия, Сингапур, Хитой, Миср ва бошқалар) гиёҳвандлик воситалари савдоси ва уларни кўп миқдорда сақлаганлик учун ўлим жазосигача бўлган оғир турдаги жазолар қўлланилади.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, айрим давлатлар, масалан, Арманистон, Озарбайжон, Тожикистон ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний муомаласи билан боғлиқ қилмишлар учун нафақат жиноий, балки, маъмурий жавобгарлик ҳам ўрнатилган.

Гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний муомаласи масаласига мусулмон ҳуқуқида жиддий эътибор қаратилиб, бу турдаги жиноятларни содир этган шахсларга нисбатан оғирроқ турдаги жазолар қўлланилади. Шунга қарамадан мусулмон ҳуқуқи гуруҳига оид давлатларда гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний муомаласи бўйича жиноятчилик ҳолатлари анча фарқланади. Масалан, Эрон Ислом Республикаси қонунчилигига биноан, гиёҳвандлик воситалари экиш, ишлаб чиқариш, савдо қилиш, импорт, экспорт қилиш ва эгалик қилиш учун ўлим жазоси қўлланилиши мумкин.

Судан давлатида эса бундай моддалар истеъмол ёки савдо қилинадиган кафе ва ресторанларнинг эгаларига ҳам шу турдаги жазо қўлланилиши белгиланган. Миср жиноят қонунчилигига кўра, бошқа шахсни гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилишга жалб этган шахсга нисбатан ўлим жазоси қўлланилиши белгиланган .

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, таҳлил қилинаётган жиноят учун турли давлатларда турлича жавобгарлик белгиланганлиги уларнинг миллий ва диний хусусиятлари билан боғлиқ бўлиб, уларнинг гиёҳвандлик воситалари бўйича экспорт, импорт ёки транзит давлатлигига оид масалалар ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Противодействие незаконному обороту наркотических средств и психотропных веществ: Учебное пособие. Часть II / Под ред. А. Н. Сергеева. М., 2003. – С. 269.
2. <http://novainfo.ru/article/6709>.